

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 1024-ҳадис

1024 - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَافِعِ بْنِ الْمُعَلَّى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا أُعَلِّمُكَ أَعْظَمَ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ قَبْلَ أَنْ تَخْرُجَ مِنَ الْمَسْجِدِ؟» فَأَخَذَ بِيَدِي، فَلَمَّا أَرَدْنَا أَنْ نَخْرُجَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّكَ قُلْتَ لِأَعْلَمَنَّكَ أَعْظَمَ سُورَةٍ فِي الْقُرْآنِ؟ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ هِيَ السَّبْعُ الْمَثَانِي، وَالْقُرْآنُ الْعَظِيمُ الَّذِي أُوتِيَتْهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [5006].

1024. Абу Саъид Рофеъ ибн Муъалло розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга:

«Масжиддан чиқишингдан олдин сенга Қуръондаги энг буюк сурани ўргатмайинми?» деб, қўлимдан ушладилар. Кейин чиқмоқчи бўлганимизда: «Эй Аллоҳнинг Расули, «Қуръондаги энг буюк сурани ўргатиб қўяман», деган эдингиз?» дедим. Шунда у зот: «Алҳамду лиллааҳи Роббилъааламиин»да. Менга берилган такрорланувчи еттилик ва буюк Қуръон шудир», дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ҳижр сурасининг 87-оятига ишора қилмоқдалар. Унда шундай дейилади: «Батаҳқиқ, Биз сенга такрорланувчи еттилик ва буюк Қуръонни бердик». Ушбу оятда келган васфлар Фотиҳа сурасининг номларидандир. Бу суранинг «такрорланувчи» дейилиши унинг намозларда ҳар ракатда қайта-қайта, такрор-такрор ўқилиши ёки Маккада ҳам, Мадинада ҳам нозил бўлгани эътиборидандир. У етти оятдан иборат бўлгани учун «еттилик» дейилган. «Такрорланувчи еттилик» деб ўғирилган ушбу «Сабъул-масоний» иборасини яна «ҳамду сано еттилиги» деб ҳам тушуниш мумкин. Бунда сурада Аллоҳ таолога ҳамду сано маънолари мужассамлиги назарда тутилган бўлади.

Ҳадиснинг саҳихул Бухорийдаги ривоятига кўра Абу Саид масжидда намоз ўқиётганда Расули Акрам уни чақирадилар. У киши намоз ўқиб ўтирганлари учун дарров жавоб бера олмайди. Намози тугаганидан сўнг эса намоз

ўқийётган эдим, дея келолмаганлигининг сабабини айтди. Шунда Пайғамбаримиз юқоридаги оятни ўқиб, ҳадисда зикр қилинган суҳбат бошланди.

Алҳамдулиллаҳдан мақсад ҳамма билганидек «Фотиҳа» сурасидир. Бу сура Қуръоннинг энг фазилатли, ўқилганда эса энг кўп савоб ёзиладиган сура, эътибори баланд бўлиб, мазмуни билан ҳам Қуръоннинг бутунини изоҳлаган сурадир. Шу сабаб «Уммул Қуръон», «Уммул китаб» деб номланади. Фақат китоб бу сура билан бошланганлиги сабаб «Фатихатул китаб» номи билан ҳам аталади. Суранинг яна бир исми «Ал-ҳамду»дирки, бу «Суратул-ҳамд» номининг қисқартирилган ҳолидир. Яна бу сура «ас-сабъул масаний», «ал-Вафийя», «ал-Кафийя» каби номлар билан аталишини яхши биламиз. Фотиҳа сурасининг фазилатларини баён қилган кўплаб ҳадислар бордир. Бақара сурасининг энг катта суралигини баён қилган ҳадислар бу ҳадислар билан қарама қарши эмас. Чунки у ҳадисда айтилган Бақара сурасидаги амрлар, воқеъалар, далиллар ва ибратлардир. Шу сабабли Бақара сурасига тенглаштириладиган бошқа сура йўқдир. Ҳатто ичидаги фикҳ мавзуларини Ҳазрати Умар 8 йил ўрганганлар. Ўғли Абдуллоҳ учун ҳам худди шундай фикрлар билдирилади.

Ас-сабул масаний Фотиҳа сурасининг бошқа исми дея зикр қилдик. Бу исм берилишига сабаб намознинг ҳар бир ракатида такрорланиши ва 7 оятдан иборат эканлигидир. Шунингдек, Маккада ҳамда Мадинада нозил бўлганлиги сабаб ҳамда Аллоҳга мақтов ва дуони ўз ичига олганлиги, фасоҳат ва балоғат ҳам борлиги, бу умматдан бошқа умматга нозил бўлмаганлиги ва яна бир қанча сабаблар туфайли ушбу исмни олган. Фотиҳа сурасининг «Қуръони азим» деб номланишининг сабаби маъно жихатидан Қуръоннинг бутунини ўз ичида жамлаганли учундир. Ҳасан Басрий Қуръондан олдинги китоблардаги маълумотларни Қуръонга ташигани ва Қуръоннинг бутун маъноси Фотиҳа сурасида жамланганини билдирган. Шу сабаб Фотиҳа сурасининг тафсирини ўрганиш Қуръонни ўрганиш билан тенгдир деган. Шу сабабли бўлса керак ривоят ва диroyат тафсирларини бир китобда жамлаган тафсирчи олимлар Фотиҳа сурасининг тафсири бўйича узундан узун изоҳ билдиришган. Фотиҳа сурасининг ўзига аталган тафсир китоблари ҳам мавжуддир.

Манба: hadis.islom.uz



